

**Лот №150990**  
**22-241-сонли ШАРТНОМА**  
**(Босма-матбаа маҳсулотини тайёрлаб бериш тўғрисида)**

“ 22 ” сентябрь 2022 йил

Тошкент шахри

"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ, бундан буён матнда "Буюртмачи" деб номланувчи 2022 йил Устав асосида иш юритувчи Директор Т.Т.Мухамадиев, бир тарафдан ва "PRINTUZ" МСНJ бундан буён матнда "Бажарувчи", Устав асосида иш юритувчи директор , иккинчи тарафдан, алоҳида "Тараф" ва биргалика "Тарафлар" деб юритилувчилар, 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисидаги ЎРК-684-сонли Қонунга қилиб мазкур шартномани қуидаги мазмунда туздик:

**I. Шартнома предмети**

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмаси асосида мазкур шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган маҳсулотларни шартноманинг шартларига мувофиқ тайёрлаб бериш мажбуриятини олдади, "Буюртмачи" эса етказиб берилган маҳсулолар учун шартноманинг шартларига мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. Маҳсулот тури, миқдори ва нархи**

2.1 Маҳсулотнинг номи миқдори ва нархи жадвалда қайд этилиб шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Буюртма рақами	Буюртма номи	Ўлчов бирлиги	Тражи (Адади)	Қоғоз тури	Матн ранги	Бир варак баҳоси ҚҚС билан, сўм	Жами сумма ҚҚС билан, сўм
	70 гр 62x90 см ли буюртмачининг қоғозига тайёр босма қолипдан варокларни чоп этиш (тираж учун 579018 та вароқ, техник чиқит учун 11643 та вароқ, жами: 590661 та вароқ)	Вароқ (лист)	590 661	70 гр оффсет	4+4	480,01	283 523 186,61
							<b>283 523 186,61</b>

**Жами: 283 523 186 сўм 61 тийин (иқки юз саксон уч миллион беш юз йигирма уч минг бир юз саксол олти сўм 61 тийин, ҚҚС билан).**

**III. Тўлов шартлари**

- 3.1. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.2. "Буюртмачи" шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 10 (ўн) кун ичида "Бажарувчи"нинг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг **15%** (ўн беш) фойизни олдиндан тўлаб, қолган **85%** ни маҳсулот қабул қилиб олинган кундан бошлаб ҳисоб-фактура асосида **10** кун ичида тўлаб бериши лозим.
- 3.3. Олдиндан тўлов 3.2. бандда белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, буюртмани бажариш тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.
- 3.4. Олдиндан тўловни амалга ошириш муддати 10 кунгacha узайтирилиши мумкин. Ушбу муддатга ҳам амал қилинмаган тақдирда мазкур шартнома бир тарафлама бекор қилинади.
- 3.5. Буюртманинг ҳажми, қоғоз тури, тиражи, ҳом ашё нархи ва маҳсулот қийматига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ўзгарган тақдирда шартнома баҳоси қайта кўриб чиқилади.
- 3.6. Бажарувчи шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган маҳсулотларни тури ва миқдорини тўлиқ ҳажмда тайёрлаб бермаган тақдирда Буюртмачи томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилади.

#### **IV. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

##### **4.1 “Буюртмачи”нинг хуқуқлари:**

- “Бажарувчи” нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текшириш;
- “Бажарувчи” шартномани бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, “Буюртмачи” шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
- Махсулотни тайёрлаш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, “Буюртмачи” “Бажарувчи”га камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилаш;
- Махсулотни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликлар (яширин камчиликлар)ни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичидаги бу тўғрида “Бажарувчи”га хабар қилиш.

##### **4.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

- Шартнома шартларини лозим даражада ва тўлиқ бажариш;
- “Бажарувчи”нинг ишлаб чиқариш жараёнига аралашмаслик;
- Шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда “Бажарувчи” иштирокида тайёр маҳсулотни кўриб чиқиши ва қабул қилиши;
- Тайёр маҳсулотни ўз ҳисобидан ва ўз транспортида “Бажарувчи”нинг омборидан олиб кетиши.

##### **4.3. “Бажарувчи”нинг хуқуқлари:**

- “Буюртмачи”дан тўловни амалга оширишини талаб қилиш;
- Шартномани белгиланган муддатидан олдин бажариш;
- Шартноманинг 3.4. бандига мувофиқ шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортниш.

##### **4.4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:**

- Шартнома шартларини лозим даражада ва тўлиқ бажариш;
- “Буюртмачи”нинг талабига кўра пудрат ишларининг бориши ҳақида оғзаки равишда маълум қилиб турниш;
- “Буюртмачи” томонидан тайёр маҳсулотни қабул қилиши учун шарт-шароитларни яратиб бериш.

#### **V. Шартномани бажариш жараёни**

5.1. Шартнома шартларига мувофиқ равишда тўлов амалга оширилганидан сўнг “Буюртмачи” маҳсулотни намуна нусхасини 2 кун ичидаги имзолаши билан ишлаб чиқариш жараёни бошланишига ўз розилигини бериши шарт. Мазкур муддатларга риоя қилинмаган тақдирда маҳсулотни тайёрлаб бериш муддати кечиккан кунларга мутаносиб равишда узайтирилади ёки камайтирилади.

5.2. “Бажарувчи” маҳсулотнинг намуна нусхаси имзоланган санадан бошлаб 20 календарь кун ичидаги 2.1 бандда кўрсатилган босма-матбаа маҳсулотини тайёрлаб беради.

5.3. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ёки унинг вакилига факс, электрон почта, телефон алоқаси орқали хабар беради.

5.4. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Буюртмачи” хабар олган санадан бошлаб “Буюртмачи” маҳсулотни 5 иш кун ичидаги белгиланган тартибда қабул қилиб олиши ва ўз транспортида олиб чиқиб кетиши лозим.

5.5. Тайёр маҳсулотлар “Бажарувчи”нинг омборидан ҳисоб-фактурага имзо қўйиб, ишончномани ва паспортни тақдим этиб, шартнома нусхасини кўрсатган ҳолда қабул қилиб олинади.

5.6. Маҳсулотни қабул қилишда “Буюртмачи” вакили томонидан тасдиқланган намуна солиширилади. Агар маҳсулот билан намунада тафоввут бўлмаса, маҳсулотнинг сифатига нисбатан рекламация (шикоят)лар қабул қилинмайди.

#### **VI. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги**

6.1. Мазкур шартнома бўйича Тарафлар зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Шартнома тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда шартнома шартларини бузган тараф етказилган зарарни қоплайди.

6.2. Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси нинг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуни талабларига мувофиқ ҳал этилади.

6.3. “Буюртмачи” шартноманинг 5.4. бандига кўрсатилган муддатга риоя қилмаган тақдирда, маҳсулот баҳосининг 5 фойзи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Барча эътиrozлар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Тарафлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда низо Тошкент шаҳар Хўжалик судида ҳал қилинади.

## VII. Форс-мажор

7.1. Агар шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик енгиб бўлмас куч оқибатида, шартнома тузилгандан сўнг юзага келган фавқулодда ходисалар натижасида (*сув тошиқини, ер қимирлаши ва ҳ.*) вужудга келган бўлса, тарафлар шартнома бўйича мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмагани учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

## VIII. Бошқа шартлар

- 8.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар иккала тарафнинг ёзма келишувига мувофиқ киритилиши мумкин.
- 8.2. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шартноманинг 3.4. банди бундан мустасно.
- 8.3. Шартнома тарафлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қиласди. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.
- 8.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга.
- 8.5. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га босма маҳсулотни чоп этиши учун тайёр босма қолип ва 62x90 см 70 оғсет қоғозини вароқда топширади.
- 8.6. “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишлатилган қофоз хом-ашёсининг техник чиқитларини, срывларни, омбалаж, втулкалар ва лапшаларни қайтаиш билан бирга, “бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома” беради.

## IX. Коррупцияга қарши курашиш шарти.

Томонлар шуни маълум қиласди:

- 9.1. Томонлар, уларнинг боғланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун хужжатларининг бузилишга олиб келадиган ва ёки коррупцион характерга эга бўлган, шу жумладан (чекланмаган ҳолда), пора бериш ёки пора ваъда қилиш, пора бериб сотиб олиш, товламачилик, порани тўғридан-тўғри ёки билвосита қабул қилиш ҳаракати ёки ҳаракатизлигига йўл қўймадилар.
- 9.2. Томонлар, улар билан боғлиқ (ўзаро боғлик) шахслар ва ходимлар бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай усуlda, шу жумладан, пул маблағлари, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ушбу ходимни ёки ваколатли вакилини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантирувчи Томоннинг манфаатини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан бош тортадилар.
- 9.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлим қоидаларининг бузилиши содир бўлганини ва содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа Томонни бу ҳақда хабардор қилиш мажбуриятини олади, агар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги нормалари бузилганлиги тўғрисида рад этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлса, амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

## Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

### Буюртмачи:

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа  
ижодий уйи МЧЖ,  
100011, Тошкент шаҳари,  
Навоий қўчаси, 30-уй  
х/р-2021 0000 1043 4735 5003  
ОПЕРУ АКБ “Капитал банк”  
МФО-00974, ИНН-205188294  
ОКЭД-18120. Тел: 244-34-01



Директор

Т.Мухамадиев

### Бажарувчи:

“PRINTUZ” МСНJ  
**ООО “PRINTUZ”**  
100015, г.Ташкент, Мирабадский р-н,  
ул. Мирабадская, д. 41/2.  
Тел.: 78 150 36 36.  
**P/c 20208 000 4 00755074 001**  
в ОПЕРУ при ЧАКБ “ОРИЕНТ ФИНАНС” МФО 01071  
**ИНН 304 788 646 ОКЭД 58190**  
Регистрационный код плательщика НДС 326010002765



Директор

print.uz